



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2006 йил 17 август, № 159 (4058)

Пайшанба

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

СОЧИ, 16 август (ЎзА махсус мухбири
Анвар БОБОЕВ хабар қилади).

Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарлари Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида норасмий учрашувга йиғилдилар. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Арманистон Республикаси Президенти Роберт Кочарян, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев, Қирғизистон Республикаси Президенти Курманбек Бакиев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов ҳамда қузатувчи сифатида Украина Бош вазири Виктор Янукович иштирок этди.

Учрашувда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасида Божхона иттифоқини тузишга оид масала асосий муҳокама мавзуси бўлди. Томонлар ҳамжамиятни ривожлантириш йўллари юзасидан фикр алмашдилар.

Саммитда, шунингдек, ҳамжамиятнинг умумий энергетика бозорини барпо этиш, сув-энергетика консорциумини тузиш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Президентлар хавфсизлик босқинчилик ҳамкорлиги оид масалаларни ҳам муҳокама қилдилар. Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти Бош котиби Григорий Рапота ва Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Бош котиби Николай Бордюжанинг ҳисоботлари тингланди.

Учрашув якунида ўтказилган матбуот анжуманида музокарада, аввало, Божхона иттифоқининг истиқболлари юзасидан фикр алмашилгани маълум қилинди. Бу борада аъзо давлатларда қўрилган тайёргарлик ишлари сарҳисоб этилди.

Қайд қилинганидек, томонлар умумий энергетика бозорини шакллантириш борасида ҳамфикр. Хусусан, атом энергетикасини ривожлантиришда, Марказий Осиёда сув ресурсларидан унумли фойдаланишда ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилган. Маълумки, сувдан фойдаланиш масаласи "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилоти доирасида муҳокама қили-

нар эди. Ташкилотнинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти билан қўшилиши қўрилаган масалага янада кенгроқ қўламада ёндашиш имконини берди.

Сочи учрашувда Божхона иттифоқини тузиш госяи амалиётга кўчгани маълум қилинди. Ҳозирча бу иттифоқ Россия, Беларусь ва Қозоғистон ўртасида амал қилади. Ҳамжамиятга аъзо бошқа давлатлар ўз қонуничилигини Божхона иттифоқига мослаштириганидан сўнг унга қўшилиди.

Музокарада Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти билан Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу икки тузилманинг Минскда ўтган аввалги саммити чоғида Ўзбекистон Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотидagi фаолиятини давом эттириши эълон қилинган эди. Сочи учрашувда Президентлар Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотга аъзолигини расман тасдиқловчи ҳужжатни имзоладилар.

Мамлакатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов хавфсизлиги таъминланиши иқтисодий, давлатлараро интеграция жараёнларини ривожлантириш кийинчилигини ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти билан Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти бир-бирини тўлдирувчи тузилмалар эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти ўз



қароргоҳида Украина Бош вазири Виктор Януковични қабул қилди. Сўхбат чоғида икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларга доир масалалар муҳокама қилинди. Томонлар Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўша комиссиянинг мажлисини ўтказишга, нефть-газ саноати соҳасида ҳамкорлиги кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр

алмашдилар. Ислоҳ Каримов ва Виктор Янукович Ўзбекистон билан Украина қўлаб соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятларга эга эканлигини таъкидладилар. Масалан, Украинанинг Ўзбекистондаги нефть-газ конларини тадқиқ этишга қизиқиши бор. Томонлар сармоявий ҳамкорликдан ҳам манфаатдор.

Президентларнинг мазкур норасмий учрашуви Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг янада мустақамлашишида муҳим ўрин тутиши шубҳасиз.

Абдуҳоқ Тўраев
олган сурат.

Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасида



ЯНГИ ҚОНУНЛАР ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Кеча қўйи палатада «Адолат» социал-демократик, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик, Халқ демократик, «Миллий тикланиш» демократик ҳамда Фидокорлар Миллий демократик партиялари фракцияларининг йиғилишлари бўлди.

Йиғилишларда Қонунчилик палатасининг бугун бўладиган янги мажлисига киритилаётган янги қонунлар — «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241-1-моддасига ва Фуқаролик кодексининг 44-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва «Маъмурий процедуралар тўғрисида»ги қонун лойиҳалари (биринчи ўқиш) муҳокама қилинди. Шунингдек, «Мик-

роқредит ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги қонун лойиҳалари (биринчи ўқиш) муҳокама қилинди ҳам ана шу йиғилишлар кун тартибидан жой олди.

Бундан ташқари, фракцияларда Мустақиллик байрамига бағишланган тадбирлар тўғрисидаги масалалар ҳам муҳокама этилди.

С. ДОНІРОВ.

«Олтин чигит»нинг бунёдкор одамлари

Қумқўрғондаги «Олтин чигит» заводи — Сурхондарёдаги 50 тага яқин қўша корхоналарнинг ичидан энг пешқадами. Ўзбекистон-Греция ишбилармонлари муассислигида ушбу корхона 1998 йили қад ростлаган. Бу ерда чигитни қимматли йўл билан туксизлантириш, уруғлик учун бўғдой саралаш йўлга қўйилди. Утган йили эса жамоа бир ярим миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариб, рентабеллик даражасини 7,9 фоиз оширди.

Гап фақат микдор ҳақида кетаётгани йўқ. Иш бошдан сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эътибор қаратилди. Мақсад битта: деҳқон гектар ҳисобига етмиш-саксон килограмдан чигит сарфлаб, ортиқча харажат қилмасин, балки 10-20 килограмм уруғ эвазига тўлиқ гектар ҳосил эта билисин.

Гап шундаки, корхонада чигит сараланиб, капсулланади. Капсулланган чигит эса куруқ тупроқда ҳам дарҳол қовжираб қолмайди, намлик юқори бўлган тақдирда ҳам қирмайди. Мутахассислар бунга деҳқонни ишонтира билди. Уруғни тежаб, ерга аниқ ташлайдиган селякаларни тажрибадан ўтказди.

Ишни гапдан, ташаббусни ўзибўларчиликдан устун қўйган корхона ишчиларининг фаолияти шу тариқа назарга тушди. Довруғи узокларга етди. Қўшни мамлакатдан ҳам «Олтин чигит»нинг чигитига харидор чиқди. Ниҳоят, яқинда унинг маҳсулоти «USO халқаро стандарти» ёрлиғи билан тақдирланди.

— Бу фахрли ёрлик биз учун янада катта имкониятлар эшигини очиб беради, — дейди корхона бошқарув кенгаши раиси Жўра Менглибоев. — Жумладан, халқаро банклар билан муомалага киришимиз, экспорт ва импорт амалларини бажаришимиз осонлашади.

— Энг муҳими, «Қорсок»



ли» даштида ташкил топган бу корхонани биз Истиқлолнинг неъматига деб биламиз, — сўхбатда қўшилади сепаратор цехи ишчиси Одил Ҳозиев. — У туйғайли биз иш ўрнига ёлчи қолдик. Ҳозир бу ерда 163 киши ишламоқда. Ҳаммаизнинг маошдан қўнглимиз тўқ, рўзгоримиз бугун.


Одилбой «Қорсок» даштида ҳақида бежиз гапирмади. Ўзбекининг қадамидан гул унади, унинг тупроққа қадаган чўпидан дарахт қўради. Айтмоқчимизки, сув ҳавзаларидан 100 гача баландда жойлашган мана шу адириқли «Олтин чигит» ахли бустонга айлантиришди.

— Яна ўн гектар ерга сув чиқариб, боғ яратилмиш, — дейди Жўра Менглибоев. — Яқин орада учта қўшимча ишлаб чиқариш цехини ҳам очамиз, ушунда элликта янги иш ўрни очилади.

Истиқлол — бизнинг қайрилмас қанотимиз, бахтимиз сарнамимиз. Бу чашманинг сеҳрли жилгалари тақдирларимизни яратувчилик шавқлари билан боғлағай.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Сув париси — 2006»



Биринчи медал Шоҳида Зоҳидовада

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуаси сув саройида синхрон сузиш бўйича VII «Сув париси» халқаро турнири ва Ўзбекистон очик куботи мусобақалари давом этмоқда.

Беллашувларни 1994 йилда тузилган қизлар бошлаб беришди. Унда ҳамюртимиз Шоҳида Зоҳидова энг кўп балл жамғариб, биринчи ўринни қўлга киритди. Таиландлик Сангакул Чанамон иккинчи, қозоғистонлик Татьяна Калус эса учинчи ўринни эгаллади.

Аралаш гуруҳдаги бахсларда ҳам юртдошларимизга тенг келадиган топилмади. Иккинчи ўрин Қозоғистон, учинчи ўрин эса Ўзбекистоннинг иккинчи жамоасига nasib этди.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИСТИҚЛОЛ ТЕНГДОШЛАРИ САНЪАТИ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида «Навқирон Ўзбекистон — 2006» замонавий санъат фестивали очилди. У «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Бадий академия билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Фестивалнинг очилишида таъкидланганидек, мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб воғага етишини таъминлаш давлатимиз раҳбари юротаётган сиёсатнинг устувори йўналишларидандир. Бугунги кунда ҳаётга изчил татиқ этилаётган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» бунинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Фарзандларимизга мукамал таълим-тарбия бериш баробарида ёш истеъдод соҳибларини кашф этиш, қўлаб-қувватлаш ва рағбатлантириш соҳада изчил давом этаётган илоҳотларнинг ажралмас қисмидир. Бу борада қатор вазирилик, ташкилотлар билан

биргалликда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳам самарали фаолият қўрсатаётди. Утган вақт мобайнида жамғарма ташаббуси билан ташкил этилган «Янги авлод», «Келажак овози» каби қўриқ-танлов ва фестиваллар, иқтидорли талабалар учун таъсис этилган таълим грантлари бунга мисол бўла олади.

«Навқирон Ўзбекистон» замонавий санъат фестивали бу йил юртимизда иккинчи бор ўтказилаётган бўлса-да, унда ўтган йилдаги нисбатан бир неча баробар кўп ёш ижодкор ўзининг мингта яқин асари билан қатнашаётди.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси Т.Қўзиёвнинг таъкидлашича, энг улғу ва энг азиз байрамимиз арафасида мамлакатимизда

ёшлар ижодий салоҳиятини оқсалтиришга қаратилган кўплаб кўрик-танловлар, ижодий беллашувлар, фестиваллар ташкил этилмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллик тўйи арафасида очилган ушбу фестиваль ҳам ёш ижодкорлар учун ўзига хос тўхфандир. «Навқирон Ўзбекистон — 2006» фестивали иштирокчиларининг ақсарияти истиқлолимизга тенгдош ўғил-қизлардир.

Фестивалда иккинчи марта қатнашаётган навоийлик Гулбахор Қодирова республика миллий дизайн коллежи ўқувчиси. Ижодий ишлари Хиндистон, Жанубий Корея, Франция каби давлатларда ўтган халқаро кўргазмаларда намоийиш этилган.

Фестивалда миллий каштачилик буюмларини билан қатнашган, — дейди у. — «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этилаётган бундай тадбирлар биз, ёшларнинг катта санъат сари дадил қадам

қўйишимиз, янада пухтароқ ўқиб, изланишимизда муҳим аҳамиятга эга.

Аввал хабар берилганидек, «Навқирон Ўзбекистон — 2006» фестивали доирасидаги кўргазмада ранг-тасвир, графика, ҳайкалтарошлик, дизайн, бадий фото, видеоарт, инсталляция, кулчилик, чиннисозлик, қандакорлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги каби йўналишлар бўйича ижодий ишлар намоийиш этилмоқда.

Фестивалда муҳим сифатда қатнашаётган Бельгия Кириолли санъат ва тарих музейи директори, санъатшунос оλίма Анна Карэн Деленинг айтишича, Ўзбекистонда ёшларнинг истеъдодини юзага чиқаришга йўналтирилган бундай кенг қўламли тадбирлар унда катта таассурот қолдирган. Фестивалга тақдим этилган энг мукамал ишлар эса Бельгияда ташкил этиладиган Буюк Ипақ йўли тарихига бағишланган кўргазма учун танлаб олинди.

Айни вақтда энг яхши



асарлар учун дебют, ўзига хослик ва замонавийлик, маданиятлар мулоқоти, концептуал замонавий лойиҳалар, сулолалар давомийлиги, замонавий санъатда анъанавий мактабни сақлаш, замонавий санъатда инновацион лойиҳалар сингари номинациялар бўйича совринлар белгиланган. Фестиваль доирасида таниқли усталар ва рассомлар, санъатшунос мутахассислар билан учрашувлар, анъанавий ва замонавий санъат муаммоларига бағишланган мунозаралар, маҳорат сабоқлари каби ижодий тадбирлар ўтказилиши қўда тутилган.

Назозат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

НАВБАТДАГИ СОНЛАРДА

**СЕНАТОРЛАР
АНЖУМАН АРАФАСИДА**

**БУГУНИ ШАРАФЛИ,
ЭРТАСИ ҚУРАФШОН
КОРХОНА**

**ЖАСОРАТ АЁЛГА
ҲАМ ЯРАШАДИ**

Публицист
чиқиши

Сўнгги соатда

Ўзбекистон — Гонконг 2:2

Кеча китъамизнинг 11 мамлақати стадионларида футбол бўйича 2007 йилда ўтказиладиган Осиё чемпионатининг учинчи тур саралаш учрашувларига шарт берилди.

Эсингизда бўлса, саралаш ўйинлари жорий йилнинг 22 февралда бошланганди. Терма жамоамиз биринчи турда Бангладеш футболчиларини қабул қилиб, 5:0 ҳисобида ғалаба қозонишганди. Аммо Каттарда ўтказилган иккинчи турда улар 1:2 ҳисобида имкониятни бой берди.

Учинчи турда Ўзбекистон терма жамоаси «Пахтакор» марказий стадионида Гонконг футболчиларини қабул қилди. Учрашув 2:2 ҳисобида дурнг натижа билан тугади.

Жамшод ТОВАЕВ.

Айтмасам бўлмас

Мустақиллигимизнинг ўн беш йиллигини нишонлаш арафасидамиз. Ўтган вақт давомида кўп гузал ишлар амалга оширилди. Жаҳонда ўзимизнинг ҳақиқий ўрнимизни эгаллаш учун дадил, жонкуяр, хушёр ва меҳрибон Президентимиз раҳнамолигида шиддат билан олға одимляпмиз. Энг чекка қишлоқларимиз ҳам катта қарвон ортидан тараққиёт сари йўлга тушган.

АНДИШАНИНГ ОТИ ҚЎРҚОҚ ЭМАС

Мана, бир мисол, қадимий қишлоқлардан бўлмиш Бўстонлик туманидаги Хондайлик (археологлар бу ердан топилган далилий ашёларга суяниб, унинг ёшани икки минг йил деб белгилашди) асрлар мобайнида ибтидоийлигича қолиб келаётган эди. Мустақиллик шарофати билан қишлоғимиз табиий газ, тоза ичимлик сувийга эга бўлди, уч қаватли ажойиб мактаб биноси қуриб битказилмоқда. Улуғ байрам қуни тантаналарида Хондайлик фарзандлари ушбу янги қошо-нага қадам қўйдилар. Президентимизнинг фарзандларимиз истиқболи учун алоҳида ғамхўрлиги эмасми бу! Қани энди юртимиздаги жамики раҳбарлар, барча ташкилотлар ҳам фарзандларимиз камоли учун шу тақлид жон куйдирсалар!..

Эвазига бир тийин ҳам ҳақ тўлашмади. Ҳўп, ер давлатники, аммо дов-дараклар одамларнинг шахсий мулки эди-ку! Кошкийди колхоз тортиб олинган боғларнинг қадрига етса! Жаннатмонанд гўшалар қаровсиз қолиб, ҳазон бўла бошлади. Уларни мол босди, ўғри оралади, хуллас, колхоз эл-лаги олмагач, турли ташкилотларга ҳуфиёна пуллаб юбордилар. Тушган даромаддан Хондайлик аҳолиси ҳам, қишлоқ ҳам сариқ чақачалик наф кўрмади. Ўз ҳақ-хуқуқини тушунмаган, қонун-қоидаларини яхши билмаган хондайликликлар икки қўлларини бурунларига суқанларича қолавердилар. Бу ўринда бош айбдор иккиозламачи колхоз раислари, қишлоқ оқсоқоллари эди. Уларнинг қўрқоқ ва журъатсизликлари, қолаверса, нопокликлари боис энг сўнги илинж ҳам бой берилди. Қишлоқ болалари ўқув-тажриба ўтказадиган, вақти-вақти билан яраб ором оладиган «Мактаб боғи»нинг ярмини Тошкент вилоятининг солиқ назорати идораси эгаллаб олди. Қолган ярмини эса 1985 йилда қайқандир пайдо бўлган «Ўзтепкоммунэнерго» ташкилоти илб кетди. Болалар ризқини сувтекин ўлаштирган бу ташкилот раҳбарлари йиллар давомида уч-тўртта вагон ўрнатиб, «бош буркаб дам олишдан нарига ўтма-

дилар. «Худудни ободонлаштириш, қишлоққа ёрдам бериш» каби ваъдалар қозғаларда қолиб кетаверди. Хуллас, узун-узун алдовлар бошланди. Аввал олиб қўйилган қишлоқ боғ-бўстонларида ўнга яқин болалар оромгоҳлари жойлашган бўлиб, уларда бутун дийримиз болалари дам олар эдилар. Шу томонларини назарда тутаёқ, бу хусусдаги адолатсизликларга чидаса бўлар.

Аммо Хондайлик фарзандларининг сўнги насибаси бўлмиш «Мактаб боғи»нинг ҳеч қандай асосиз олиб қўйилиши!.. Бу ҳолдан жаҳли чиққан хондайликлик оқсоқоллар боғни қайтариб олишга бел боғладилар. Лекин ободонлаштириш учун маблағ йўқлиги бу «шоввоз»ларни ўйлантириб қўйди. Ахир улар қишлоқ теварагидаги тайёр боғларни хамирдан қил суғургандек ўлаштириб олган ўнга яқин оромгоҳлардан ёрдам сўраса бўлар эди-ку! Аммо нимагадир бунга ҳеч ким журъат этолмади.

Шу пайтда «Мактаб боғи»нинг ярмини осонгина ўлаштириб олган Тошкент вилояти солиқ назорати дарҳол «ёрдам»га етиб келди. Улар боғни ободонлаштириш, чиройли қурилишлар қилиш ва оромгоҳдан биргаликда фойдаланиш «ташаббуси» билан чиқдилар. Шартномада хондайликлик адиб Сирожиiddин

ҳозирги дориомон даврда савоб ишларга ўз хиссасини қўшмоғи шарт. Хондайликликлар ўз фарзандлари боғини қайтариб олиб, уни сўлим масканга айлантиради ва ўғил-қизларига инъом этади, албатта. Умири узун алдовларга эса бундан бўён қатъиян чек қўямиз.

Асод АСИЛ, 84уачи.

Кейинги йилларда мамлакатимизда халқ таълимига алоҳида эътибор берилиб, ҳукуматимиз томонидан катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг ташаббуси билан қабул қилинган «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумий дасури»га кўра, барча худудларда кўпгина мактаблар қайта реконструкция қилинган ва янгидан бунёд этилмоқда. Пойтахт вилоятининг Окқўрғон туманидаги 13-умумтаълим мактаби биноси ҳам жорий йилда тубдан қайта қурилиб, янги ўқув йилига тахт этиб қўйилди. Бугун мактабни кўрган киши танимаслиги шубҳасиз. 420 ўқувчига мўлжалланган таълим муассасаси биносини таъмирлаш учун 268,8 миллион сўм сарфланди. Барча ўқув жиҳозлари билан таъминланган фан кабинетлари, спорт зали, стадион ўқувчилар ихтиёрига топширилди. **Суратда: буюртмачи ташкилот раҳбарлари ва қурувчилар суҳбатлашмоқда.** Хусанбой АБВАЛОВ олган сурат.



Тахририятга мактуб

Мен раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги Гиждувон тумани ҳокимининг 2003 йил 2 майдаги қарорига асосан ташкил этилган. Фермер хўжалигимиз тумандаги С.Айний номли ширкат хўжалиги худудидан жойлашган.



Шийпонимизни қайтариб беринг

Ўзим хўжалик худудидан 1970 йилдан бери ишлаб келмоқдам. 1992 йилдан бошлаб 14-бригадага етакчилик қилдим. Бригадамиз худудидан дала шийпони бўлиб, у ҳаммамиз учун ҳордиқ чиқарадиган жой эди. Ўтган йил декабрь ойида С.Айний номли ширкат хўжалиги тарқатилиши муносабати билан ерлар танлов асосида эгаларига берилди. Танловда голиб чиқиб, 23,6 гектар ерга эга бўлдим. Афсуски, дала шийпони бизнинг худудимизда жойлашган бўлишига қарамасдан, ноқонуний ва яширин йўл билан сотиб юборилганлигидан кейинроқ хабар топдик. Бу ҳақда Гиждувон тумани ҳокими Т. Қудратовга арз қилдик. Ҳоким шийпон аукционга қўйишни айтиди. Рози бўлдик. Аукционга қатнашиш учун мувожаат қилганимизда тугатиш комиссияси раиси Х.Деҳқонов ва биржа бошлиғи Ю.Ҳамроевлар қатнашишга рўхсат беришмади. Кейин билсак, комиссия аъзолари ҳам, туман ҳокими ҳам мутлақо бошқа

Энди бутун умидимиз тахририятдан. Сизлар аралашиб ўз худудимиздаги шийпонни қайтариб беришларида ёрдам сўраймиз. Ҳоким жаноблари фермер хўжалигига шариғат яратиб бериш унинг асосий бурчи эканлигини унутмас мазкур бўларди. **Ҳамро НАБИЕВ, Гиждувон туманидаги «Жўрабек Набиев» фермер хўжалиги раиси.**

2006 йил 22 - 25 август

«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган»

Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчиларнинг экспортга мўлжалланган маҳсулотлари ағъанавий кўргазмаси



Иш-тартиби:
22 август 12:00 - 18:00 24 август 10:00 - 18:00
23 август 10:00 - 18:00 25 август 10:00 - 16:00

Ахборот кўмағи:

Made in Uzbekistan
Ташкилотчилар:
Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги

Кўргазма ташкилотчиларининг манъа ва бошланғич телефонлари:
Тошкент шаҳри, А. Тезмур кўчаси 107
«Ўзэкспомарказ» ММҚ ОАЖ
E-mail: info@uzexpocentre.uz
Тел.: (99871) 138 56 10, 138 56 35
Факс.: (99871) 134 40 88, 134 54 40



"КОРПОРАЦИЯ" - МОБИЛ АЛОҚА ҲАҚИДА КАМРОҚ ИШНИНГИЗ ТЎҒРИСИДА КЎПРОҚ УЙЛАШ ИМКОНИ.

КОРПОРАЦИЯ

КОМПАНИЯЛАР ВА КОРПОРАЦИЯЛАР УЧУН ТАРИФ РЕЖАЛАРИ

КОРПОРАЦИЯ 500		КОРПОРАЦИЯ 1000	
АБОНЕНТ ТЎЛОВИ, ОЙИГА \$	12	АБОНЕНТ ТЎЛОВИ, ОЙИГА \$	24
ИМТИЁЗЛИ ДАВРИЛАР ОЙИГА	500	ИМТИЁЗЛИ ДАВРИЛАР ОЙИГА	1000
ЧИКУВЧИ (ЎРНАТИЛГАН ЛИМИТДАН ТАШҚАРИ) 1 ДАВРА УЧУН	0,04	ЧИКУВЧИ (ЎРНАТИЛГАН ЛИМИТДАН ТАШҚАРИ) 1 ДАВРА УЧУН	0,03
ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА	0,02	ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА	0,02
ТАРМОҚ ИЧИДА	0,01	ТАРМОҚ ИЧИДА	0,01
КОРПОРАТИВ ГУРУҲ ИЧИДА	0,04	КОРПОРАТИВ ГУРУҲ ИЧИДА	0,03
КИРУВЧИ (ЎРНАТИЛГАН ЛИМИТДАН ТАШҚАРИ) 1 ДАВРА УЧУН	0,04	КИРУВЧИ (ЎРНАТИЛГАН ЛИМИТДАН ТАШҚАРИ) 1 ДАВРА УЧУН	0,03
ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА	0,02	ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА	0,02
ТАРМОҚ ИЧИДА	0,01	ТАРМОҚ ИЧИДА	0,01
КОРПОРАТИВ ГУРУҲ ИЧИДА	0,02	КОРПОРАТИВ ГУРУҲ ИЧИДА	0,01

ИЗОҲ:
■ Таклиф фақат 5 ва ундан ортиқ МТС-Ўзбекистон тармоғидан актив рақамларга эга бўлган юридик шахслар учун ҳақиқийдир.
■ Ой мобайнида ишлатилмаган тариф режимида мувофиқ имтиёзли даврлар қаддини оёғи ўтказилди.

МТС-Ўзбекистон абонентлари учун:
■ Халқаро роуминг хизмати Японияда (Vodafone К.К.), шуниингдек, халқаро GPRS-роуминг Козогистонда (Kar-Tel) ишга туширилди.
■ Тармоқ кенгайтириш давом этмоқда! Қўшимча 14 янги база станцияси Тошкент шаҳрида, Андижон вилоятида (Марҳамат, Хужабод, Охунбобов, Дўстлик, Маданият), Самарқанд вилоятида (Жомбой), Фарғона вилоятида (Яйпан, Яккатут, Рапқон) ишга туширилди.
■ Тошкентда улашиш учун янги индекс 406 хх хх очилди.

Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади. Нархларга барча солиқлар киритилган.

Хизматлар лицензияланган.
Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Уздиробита» компанияси томонидан тақдим этилади.

БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ БИЛАН WWW.MTS.UZ САЙТИДА ТАНИШИШ МУМКИН

ОРТИҚЧАСИНИ ТАШЛАНГ! КЕРАГИНИ ОЛИНГ!

ВИКТОРИНИ ТЕЛЕФОННИНГ МЕНЮСИДА ИЗЛАНГ!

МТС-PLUS SIM-CAFE RAZVLECHENIYA ERUOT VOPROS

Батафси маълумот www.mts.uz ва www.jml.uz сайтларида

ТЕЛЕФОННИНГ МЕНЮСИДА КЎНГИЛОЧАР ХИЗМАТЛАР ОЛАМИ

MTC PLUS SIM-INFO RAZVLECHENIYA

■ SIM-Info ■ RAZVLECHENIYA

■ Media ■ KULTURA

■ Znanostiya ■ Rubbi

■ Razvocheniya ■ Gadaniya

■ Kabinet ■ Rubbi

Газ улуғри астеъмоқчилари ва газ сотувчи ташкилотлар аиққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚҚ

(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

Россиянинг «Сигнал» компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон худудидаги расмий вакили бўлиб, электрон блокли (БК) мувофиқлаштирадиган

турбинали саноат газ ўлчагичларини (СТГ) таклиф этади.

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда. Мўлжал — Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобиллари (автобуслари) ва улар негизда тайёрланган махсус техникаларини (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизда) ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мувожаат қилсангиз бас.

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй.
Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ «Беларус» ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун ЭҚИЎТ ҚИСМЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Тошкент ш., «Братислава» к., 11.
Тел.: 361-40-33, 361-40-90.
АК АРСЕНАЛ
Факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

Санъат оламида

Инсон нима учун қўшиқ тинглайди? Чунки унда шундай табиий эҳтиёж бор. Қўшиқ тинглаб дам олади, завқланади, дарду аламларини бироз бўлса-да унутиб енгил тортади. Лекин хамиша ҳам шундайми? Нима учун кейинги йилларда яратилган қўшиқлардан норозилик кучайиб бормоқда? Эҳтимол, шинавандлар уни тушуниб етмаётгандир? «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори Баходир АБДУРАҲИМОВ билан уюштирган суҳбатимизда ушбу саволларга жавоб изладик.

Қўшиқ халқ учун куйланадими

— Баходир Абдураҳимович, кейинги пайтларда қатор эстрада қўшиқчилари ижросидаги қўшиқларга нисбатан турлича қарашлар мавжуд. Уларнинг асосини матбуотда билдирилган салбий фикрлар ташкил қилмоқда. Ушбу чиқишларга муносабатингизни билдирсангиз. — Сиз, менимча, Алижон Шайбойнинг «Хуррият» газетасида босилган «Қўшиқчиликми ё лутти-бозлик», Фармон Ташевнинг «Халқ сўзи»даги «Қўшиқчининг касби нима?» ва Даврон Фуломовнинг «Обид Асомов ўйлаб гапира оладими?» деган мақолаларини кўзда тутаётган бўлсангиз керак... Саволингизда жон бор. Аввало, саводли муҳлис чаласавод шоир томонидан ёзилган шеър ва унга аранжировка қилинган оҳанг, қолаверса, ушбу унсурларни жамлаб, тингловчига ҳавола қилаётган қўшиқчини тингламайди, бу табиий, албатта. Лекин ушбу ҳолатда шоир ҳам, аранжировкачи ҳам, клипмейкер ҳам, режиссёр ҳам, продюсер ҳам четда қолиб, қўшиқчига айб қўйлади. Эстрада қўшиқчилигида, қайд қилганимдек, турли мутахассислар иштирок этади. Бу — биринчидан, иккинчидан, у ёки бу қўшиқчи фаолиятини кузатиб, тўғрироғи, назорат қилиш битта ташкилот томонидан олиб борилиши қийин кечади... — Узр, фикрингизни

буламан. Сизларда ҳар қандай қўшиқчининг савиясини белгилаб, сўнг уларга махсус рухсатнома (лицензия) берувчи хайъат мавжуд-ку? Адамасам, газеталарда номлари зикр қилинган хонандалар орасида лицензияга эгалари ҳам бор, шундайми? — Тўғри. Жумбоқнинг ўзи ҳам мана шунда. Хайъат аъзолари эътиборига тақдим қилинадиган қўшиқларнинг барчаси муккамал ўрганилиб, сўнг лицензия берилди. Узингизга маълум, ижодкор бир жойда тўхтаб қолмайди. У, керак бўлса, ҳар кун янги қўшиқ яратиш билан банд бўлади. Мана шу ҳолат, яъни рухсатнома олиш учун тавсия қилинган қўшиқлардан ташқари янгиликларни яратиб, телевидение, радио, қолаверса, тўй-тантаналардаги ижроси назорати бизнинг ваколатимизга кирмайди. — Тўйларда куйланаётган қўшиқларни назорат қилишнинг иложи йўқ, лекин телевидение ва радио орқали бериладиганлари бошқа гап... — Агар сиз ушбу фикрингиз билан нимага нисбатан олмайсизлар, демоқчи бўлсангиз, мен «ололмаймиз» деб жавоб қилган бўлардим. Сабоби, маъзур ташкилотларнинг ўз «бадний кенгаш»лари бор. Телевидение ва радиода янграйдиган наволар ана шу кенгашлар томонидан таҳлил қилинади

ва эфирга берилди. Концертлар уюштирадиган ташкилотларда ҳам тегишли мутасаддилари бор. — Назаримда, Сиз танқид остига олинган қўшиқчиларни, бироз бўлса-да, ёнларини олаётган экансиз. — Асло ундай эмас. Очиғи, танқид қилинган қўшиқларнинг аксарияти бадиий жиҳатдан саёб. Хатто айримларини, мусиқашунос бўлмасам-да, қўшиқ деб ҳам билмайман. Гап бошқа ёқда. Шу даражада савияси паст қўшиқлар ва улар ижодкорларини экранда, радио тўқинларида, концерт залларида, тўй-томосшалар ва ҳоказо жойларда бемалол бақчаланиқ қилишларига, бизни четлаб ўтиб, уларга ижозат бераётган шахсларга эътирозим борлигини билдирмоқчиман. — Чеғарадан, «қўшиқ куйлаш» маданияти меъридан чиқиб ижод қилаётган хонандаларнинг лицензияларини бекор қилишдан ташқари яна қандай чора-тадбирлар қўлланади? — Тарбиявий ишлар десам, ноуринкор бўлар, биз улар билан тушунтириш ишларини олиб борамиз. Лекин Ўзбекистонда энг оммавий ҳисобланган ушбу қўшиқ тури ижрочилари фаолиятини яқка тартибда тушунтириш билан тўғрилаб бўлмайди-да. Жамоатчилик таъсирини кучайтиришимиз лозим. — Узи шеър тўкиб, ўзи мусиқа ёзиб, ўзи

режиссёрлик қилиб, ўзи куйлайдиган хонандалар ва уларнинг «асарлари» ҳақида нималар дея оласиз? — Айнан ана шу ҳолат ўзини баҳолмай олмайдиган шахсларга хос бўлиб, танқидлар сабабчиларининг кўпчилиги ҳам ушлар. — Бир суҳбатимизда «ижобий ютуқлар» деган

ва ва бошқалар давлат мукофотларига сазовор бўдилар. Мен сизга айтсам, мана шу жараёни ёритиш керак. Тахлилий изланишлар ва уларнинг хулосалари газета, журналларда ёритиб борилиши зарур. — Илмий изланишлар олиб бориш вақти ҳам келди, демоқчисиз-да. — Худди шундай. Биз бу ишни бошлаб ҳам юборганмиз. Муҳими, ҳозирги кунда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тасаруфида фаолият кўрсатаётган эстрада хонандалари иштирок этган тадбирларнинг аудио ва видео кассетлари бир жойга жамланди. Мунтазам равишда танилиши соҳа олимлари иштирокида пойтахтимизда ва вилоятларда семинарлар, давра сўбатлари ҳамда бир йилда бир маротаба илмий-амалий конференциялар ҳам ўтказиб турилмоқда.

— Ижод эркинлиги санъаткорга зарурми? — Ҳар қандай ижодда, албатта, эркинлик бўлиши керак. Аммо минг йиллар оша халқимиз маънавий дунёсини бойитиб келаётган мумтоз санъатимизда муҳасам бўлган юксак бадиий-фалсафий бойлиқдан воз кечиб, қўшиқ деб атилиши мумкин бўлмаган эротик характерлар асосидаги, хатто оҳанг тизими шаклланимаган ноаниқ ижроси ижод эркинлиги намунаси деб қабул қилиш мумкин бўлмас керак. — Чет элларда концерт бериб қайтаётганлар ҳам эстрада бирлашмасидан махсус рухсатнома оладими? — Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги 498-сонли қарорига биноан, эстрада қўшиқчилиги билан шуғулланидиган барча юридик ва жисмоний шахслар махсус рухсатнома (лицензия) асосида фаолият олиб боришлари керак. Лекин, минг афсуски, уларнинг орасида рухсатномасиз нафақат хоржида, балки Хандўстлик давлатлари, хатто Ўзбекистоннинг ўзида ҳам фаолият кўрсатиб келаётганлар мавжуд. — Лицензия масаласига ойдинлик кирит-



иборани ишлатган эдингиз. Улар қанақа ютуқлар? Шу ҳақида икки оғиз билдириб ўтсангиз.

— Юқорида ижод эркинлиги ҳақида гапирганимда атайлаб бунга тўхталмаган эдим. Сабоби ўз-ўзидан маълум. Олиб қўйиш мумкин, лекин қайсидир маънода ушбу ҳаракатимиз ижод эркинлигига тўқилликдек кўринади. Бундай услубни мунтазам равишда қўллаш бироз ноқулай. Олиб қўйганда ҳам биттасидан, кўйингки, ўнчасидан олиб кўясиз. Бу билан мақсадга эришиб, қўшиқчи савиясини кўтариб бўлмайди. Авваламбор, ҳар бир санъаткор ўз халқи тарихига, қадриятларига, урф-одатларига содиқ бўлиши, уни англай билиши ва ҳурмат қилиши лозим. Бунинг учун у маънавий баркамол, миллий гурурли инсон бўлиши керак. Ҳақиқий санъатни кўнгилхушиқдан, бақчаналиқдан фарқлаш учун ички назорат талаб этилади.

— Шу йили кузда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ташкил топганига ўн йил тўлар экан. Санани қандай кутиб оломқисилар? — Айни кунларда Мустақиллигимизнинг 15 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантаналар тайёргарлиги билан бандимиз. Ижодий жамоалар пойтахтимизда, вилоятларда ана шу тадбирга жалб қилинган. Бевосита 10 йиллик ҳақида гапирадиган бўлсам, жойларда Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти олимлари кўмагида давра сўбатлари, семинарлар ва илмий конференция ўтказишни мўлжаллаб қўйганмиз. Шунингдек, ўн йиллик фаолиятимиз сарҳисоби сифатида китоб нашр қилиш ҳам режамизда бор.

Спорт Самарқандликлар Галиб Самарқандда энг улуг ва энг азиз байрамимиз муносабати билан Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки тизими ходимлари ўртасида худудий спартакиада бўлиб ўтди. Унда майдон эгалари билан бирга Жиззах ва Сирдарё вилоятлари банк ходимлари ҳам иштирок этишди.

«Динамо» стадионида тантанали равишда очилган ушбу спорт тадбири иқтисодий ва савис институту, «Динамо» теннис корти ва «Дельфин» сувиш мажмуасида давом этирилди. Эътиборлиси, банкчилар ўз касбининг усталари бўлиш билан биргаликда, спортда ҳам нималарга қодир эканликларини тўлиқ намойиш этишди. Футбол, вoleyбол, баскетбол, теннис, шахмат ва шашка бўйича ўтказилган беллашуларда самарқандлик банкчилар рақибларига нисбатан анча устун эканликларини намойиш этишди. Спортнинг ушбу турлари бўйича майдон эгаларининг энг кўп очко тўплашгани уларнинг худудий турнирда Галиб бўлишини таъминлади. Фақат сузиш бўйича ўтказилган беллашуларда биринчи бўлиш Жиззахликларга насиб этди. — Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки истиклолга тенгдош молия муассасаларидан бири, — дейди банкнинг Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиги Шункур Худойбердиев. — Жамоамиз спорт муносабаларининг республика босқичига йўл олди. Тизимимиздаги энг кучли спортчилар билан Галиблик учун курашиш ҳар бир ходимимиз учун шараф, албатта.

Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири

«Маралсой»да шахматчилар баҳси Алматы шаҳри яқинидаги «Маралсой» дам олиш масканида ёшлар ўртасида VII аъъанавий «Маралсой-Seimaг 2006» халқаро турнири бошланди. Мусобақда Ўзбекистон, Россия, Қозғоғистон ва Қирғизистондан келган 70 нафардан ортиқ ёш шахматчилар дона сурмоқда.

Жаҳон рекорд янгилади Таллинда баскон улуктириш бўйича бўлиб ўтган «ЕАА Premium Meeting» халқаро турнирида янги жаҳон рекорди ўрнатилди. Унда россиялик спортчи Татьяна Лисенко снарядни 77 метру 80 сантиметр масофага улуктириб, ўзининг олдинги кўрсаткичини яхшилади ва янги жаҳон рекордини ўрнатди. У июнь ойида ўтказилган мусобақда 77,41 метр натижа билан жаҳон рекордини янгилади. Халқаро енгил атлетика федерациясининг расмий сайтида айтилишича, 22 йилли спортчи ўтган ҳафтада Гетеборг шаҳрида уюштирилган Европа чемпионатида ҳам шохсўпанинг юқори погонасидан жол олган эди.

Валдевиннинг рақибни ким? Профессонал боксинг ўта оғир вазнида WBA йўналиши бўйича жаҳон чемпиони россиялик Николай Валдев 7 октябр кўни америкалик Монте Барретта қарши баҳсда ўзининг чемпиолик камарини ҳимоя қилди. Бу хабарни Sauerland Events промоутерлик компанияси ҳам тасдиқлади. Лекин жанг, аввал хабар қилинганидек, Нью-Йоркда эмас, Лас-Вегас, Чикаго ёки Атлантик-Сити шаҳарларидан бирида ўтказилиши мумкин. Хозир Николай Валдев Арменистонда устози Манвел Габриэлян билан машғулотларда қатнашмоқда.

Организация реализует автомашины марки «Отойул» М 24, 1998 года выпуска. Телефон 398-33-91. Факс 148-17-43.

O'ZSANOATQURILISHBANK АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР, «Ўзсаноатқурилишбанк» сизга ўз эҳтиромини изҳор этади ва банк кенгаши томонидан 2006 йил 14 август кўни қабул қилинган 65-сонли қарорга биноан, имтиёзли акциялар бўйича йиллик 40 фоиз ҳисобидан 2006 йил 2-чорага учун 10 фоиз микдордаги оралик дивиденд тўланиши тўғрисида эълон қилади. Дивидендларни 2006 йил 30 июнь ҳолатигача ёпилган акциядорларнинг реестрида мулкий ҳуқуқлари акс эттирилган акциядорлар олишлари мумкин. Дивидендларни олишга доир бўлган масалалар бўйича «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг тегишли филиалларига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририятлари корхона, ташкилот, компания, қўшма корхоналардан байрам табрикларини чоп этиш учун тақлифларни қабул қилади. Тел.: 136-09-25, 132-10-63. E-mail: xalk_suzi@rambler.ru

ЭНГ НАМУНАЛИ МАСЛАХАТЧИ ЖИЗЗАХ (Ўза мухбири Тошқул БЕКНАЗАРОВ). Вилоят «Махалла» марказида «Энг намуна» маслаҳатчи» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида Галиб чиққан диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этишди. Кўрик-танлов якунига кўра, Зомин шаҳарчасидаги «Бирлик» маҳалласи маслаҳатчиси Назоқат Қорабекова Галиб деб топилди ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди. Иккинчи ўринни Жиззах шаҳридаги «Жиззахлик» маҳалласидан Муборак Эсонова, учинчи ўринни Фориш тумани «Хонбанди» маҳалласи вакили Фотима Ярашева эгаллади.

МЕХАНИЧЕСКИЕ И ЭЛЕКТРОИНСТРУМЕНТЫ В ШИРОКОМ АССОРТИМЕНТЕ. ДИЗЕЛЬГЕНЕРАТОРЫ. Тел.: (998-71) 115-28-71; (998-90) 187-60-86. E-mail: asm-uz@yandex.ru

MANAGEMENT CONSULTING Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. ISO 9001. Компания мижозлари: «Бухоро нефтий қайта ишлаш заводи» УШК, «Узбекнефтегаз» УШК, «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ, «Қашқадарёгазсаноатқурилиши» ОАЖ, «Rubicon Wireless Communication» КК. Тел.: (99871) 132-12-63, 136-14-09, 134-30-78. Факс: (99871) 132-20-63. E-mail: info@meuz.ru

«Кафолат» ДАСК Тошкент шаҳар филиали «Моул-мулк сугуртаси» шаҳар бўлими жамоаси бўлим менежери Саида Гафур-Охуновага умр йўлдоши Абдураҳим ФАҒУР-ОХУНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти жамоаси Ўзбекистон ҚЯОЖ Андижон вилояти кенгаши падеи Қаҳрамон Қаҳқоровга раисри бузуқворни АБДУРАҲИМОВ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD КОДОС HID ADI International. Системы контроля доступа. Устройства печати на пластиковых картах. DatacardGroup. ul. Дружбы народов, 44. Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68. E-mail: vinlad@sarkor.uz Web site: www.vinlad.com

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАВБОРОВ. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан руйхатта олинган. Буюртма Г — 1057. 20700 нухада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғоғ бичими А—2. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. Ўза якуни — 22.20 Тошпириди — 22.20 1 2 3 4 5